# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 15 март, № 51 (7281) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ПРЕЗИДЕНТ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 март куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб “Tashkent City” халқаро бизнес марказига ташриф буюриб, конгресс-холл ва беш юлдузли меҳмонхона қурилиши билан танишди. Мазкур иншоотлар қурилиши ўтган йил март ойида бошланган бўлиб, бугунги кунда муҳташам конгресс-холл ва 21 қаватли меҳмонхонанинг бетон-каркас ишлари ниҳоясига етган. Ҳозирги кунда металл конструкциялар ва коммуникацияларни монтаж қилиш, томни ёпиш, ташқи пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимизга конгресс-холлнинг фасади, хоналари ва йўлакларининг кўринишига доир лойиҳалар намойиш этилди.

“Tashkent City” бизнес-марказлар, меҳмонхоналар, офислар, кўп қаватли уйлар, ресторанлар ва бошқа объектларни ўз ичига олган замонавий комплекс бўлади. Бу ерда олий даражадаги тадбирлар, йирик халқаро анжуманлар ўтказилади.

Шавкат Мирзиёев конгресс-холлнинг асосий зали, ҳар бир хонасини кўздан кечириб, уларнинг қандай безатилиши ва жиҳозланиши, меҳмонлар учун қандай шароитлар яратилиши билан қизиқди. Халқаро саммитлар чоғида кўплаб делегациялар қатнашишини инобатга олиб, юқори мартабали меҳмонлар ва иштирокчиларнинг ҳаракатланиши, икки ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиши, дам олиши учун кенг қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Конгресс-холлнинг биринчи қавати замонавий дизайнда, иккинчи қавати эса классик услубда бўлиши зарурлигини таъкидлади. Йўлакларни юртимиз рассомларининг энг сара асарлари билан безатишни таклиф қилди.

Конгресс-холл ёнида қурилаётган меҳмонхонага оид лойиҳалар ҳам намойиш этилди.

Шу билан бирга, Президент “Tashkent City” яқинида қад ростлаган “Humo Arena” муз саройида олиб борилаётган сўнгги пардозлаш ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 3 февраль куни ушбу мажмуа лойиҳасини маъқуллаб, унинг қурилишига тамал тоши қўйган эди. Ўтган қисқа вақтда мамлакатимиз шаҳарсозлигида янгилик бўлган кўп тармоқли спорт мажмуаси бунёд этилди.

Мажмуа Тошкент шаҳрининг Афросиёб ва Бешёғоч кўчалари кесишмасида, 9 гектар майдонда қурилган. Замонавий муҳандислик технологияларини уйғунлаштирган “Humo Arena” мажмуасидан 12,5 минг ўринли кўп тармоқли муз аренаси, 200 ўринли машғулотлар майдони, тренажёр зали, спорт музейи ва кўплаб бошқа объектлар ўрин олган.

Ҳар бири 60х30 метр ўлчамдаги асосий ва машқ майдонлари мусобақаларни халқаро талаблар даражасида ўтказиш, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун яхши имконият яратади.

Мобиль ўриндиқлар спорт мусобақаларидан бўш пайтда оммавий тадбирларни ўтказишга ҳам мослаша олади. Бу ерда хоккей, шорт-трек, фигурали учиш, кёрлинг билан бирга баскетбол, волейбол, гандбол, футзал, бокс, таэквондо ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш мумкин. Бундан ташқари, байрам тадбирлари, концертлар, кўргазма ва форумлар ташкил этиш учун ҳам шароит мавжуд.

Янги мажмуа мамлакатимизда спортни ривожлантириш, унинг қишки турларини оммалаштириш, спортчилар тайёрлашни янги, халқаро даражага олиб чиқиш борасидаги ишларга кучли суръат бағишлайди.

Президентимиз мажмуадан самарали фойдаланиш, оммавий тадбирлар вақтида хавфсизликни таъминлаш, иншоот атрофини ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Маҳкумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 6 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **$197^4$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$197^4$-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш**

Мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаслик, унинг ишига тўсқинлик қилиш, унга била туриб ёлғон ахборот бериш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан мурожаатларни, хулосаларни, тақдимномаларни, илтимосномаларни кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб қасддан ишончсиз маълумотларни тақдим этиш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «$197^2$» рақамидан кейин «$197^4$» рақами билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»**ги 392–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августда қабул қилинган 669–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 8, 385-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

(Давоми 2-бетда).

Дунё нигоҳи

## «Travel Trade Journal» сайёҳларга Тошкентнинг қайси масканларини тавсия этди?

*Ҳиндистоннинг машҳур “Travel Trade Journal” сайёҳлик журналида “Тошкент: гўзал пойтахт ва улкан мегаполис” сарлавҳали мақола эълон қилинди.*

Унда эътироф этилганидек, Тошкент замонавий ва гуллаб-яшнаётган шаҳар бўлиб, бу ерда Шарқнинг қадим анъаналари ҳамда меъморчиликнинг илғор ютуқлари уйғунлашган. Муаллиф пойтахтимиз йилдан-йилга чирой очиб, замонавийлашиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаган.

“Тошкентнинг кенг кўчалари бўйлаб сайр қилганда, фавворали кўплаб яшил сайилгоҳлар ва хиёбонлар кўзга ташланади”, дейилади нашрда.

Материалда пойтахтнинг диққатга сазовор жойларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан, 365 метр баландликдаги Тошкент телеминораси — улардан бири. Ушбу иншоот дунёдаги энг йирик телеминоралар қаторига киради.

2

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## Сиёсий партияларнинг ҳисоботлари эшитилди

*2019 йил 14 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Мажлисда депутатлар сиёсий партияларнинг 2018 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитдилар.

Таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ҳамда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалар асосида сиёсий партиялар ўз иш режаларини тубдан қайта кўриб чиқиб, фаолиятини янгича руҳда давом эттирмоқда. Чунончи, давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалаларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг роли сезиларли даражада кучайди, жойларда аҳолини ўйлантириб келаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш борасидаги ишлари фаоллашди. Партиялар электоратини ташвишга солаётган долзарб масалаларни чуқур ўрганиш ва ижобий ечим топиш йўлларини излашга доир фаолият тубдан ўзгарди, бажарилаётган ишлар танқидий жиҳатдан таҳлил қилинмоқда.

2

## ЭЗГУЛИК ЁҒДУСИ ТАРАЛГАН ЮРТ

*Қуёш Шарқдан чиқади... Тарихи қадим, тупроғида авлиёлар униб-ўсган, инсонлари маърифатталаб, яхшилик, эзгулик ардоқланадиган юртдан нур таралади.*

*Ўзбекистон — ислом илми ва маданиятининг дунё бўйлаб кенг қулоч ёйишига катта ҳисса қўшган кўплаб олиму уламолар улғайган, ўз даврида цивилизация ўчоғига айланган кўҳна Шарқнинг серқуёш мамлакатидир.*

Маънавият

Ҳозирги кунда бу юртда илм-фанни ривожлантириш, тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, масжид-мадрасаларни обод этиш, инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлардан кўзланган мақсад ҳам тарихий адолатни қарор топтириш, юртимизнинг бугунини фаровон, келажагини янада чароғон қилишдир.

### Соҳибқирон қурдирган гумбаз

Катта бунёдкорлик майдонига айланган юртимизда кўплаб таълим масканлари, масжиду мадрасалар, кутубхоналар қурилмоқда. Мавжудлари таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этяпти.

— Ҳозирги кунда 120 дан ортиқ масжидларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси Масжидлар бўлими мудири Муҳаммадназар Қаюмов. — Жумладан, пойтахтимизда Эшон Бобохон, Нўғойқўрғон, Чоштепа, Мирбобо ота, Ҳазрат Али, Коҳ ота ва бошқа ўндан зиёд масжидлар қайтадан бунёд этиляпти, замонавий андозалар асосида таъмирланмоқда. Ушбу масканлар Ўзбекистоннинг ислом маданиятида тутган ўрнини, аждодларимиздан мерос анъана ҳамда қадриятлар бардавомлигини намоён қилади.

Сузук ота мақбараси ва масжидининг қисқа фурсат ичида мажмуа сифатида тубдан қайта барпо этилгани бу борадаги бунёдкорлик ишларига бир мисолдир.

Президентимиз 2017 йил 26 май куни бу табаррук масканда бўлиб, мақбара ҳамда масжидни реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш бўйича тегишли топшириқлар берган эди. Шундан сўнг амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари тарихий обидаларга янги ҳаёт бахш этди.

4

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

## Халқаро муносабатларда парламент дипломатиясининг алоҳида ўрни бор

*Кейинги йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан халқаро муносабатларга оид 14 та қонун тайёрланиб, қабул қилинган. Булар, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсат соҳасида юритаётган ислоҳотларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.*

Ўтган йилда қуйи палата қошида тузилган парламентлараро ҳамкорлик ва дўстлик гуруҳлари сони 27 тага етгани, Ҳиндистон, Беларусь, Польша, Озарбайжон, АҚШ, Болгария каби мамлакатлар билан бевосита парламентлараро алоқалар мустаҳкамлангани юртимизнинг хорижий давлатлар билан ушбу йўналишдаги ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишда муҳим ўрин тутяпти. Дунёдаги энг нуфузли парламент ташкилотлари ҳисобланган Парламентлараро иттифоқда, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеясида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеясида миллий парламентимиз аъзолигининг тиклангани бунинг амалий ифодасидир.

2

Эксклюзив интервью

## ВАЗИФАЛАР НИҲОЯТДА МАСЪУЛИЯТЛИ

УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ФИДОЙИЛИК ВА ҚАТЪИЯТЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 12-13 март кунлари Навоий вилоятига амалга оширган ташрифи ҳудуд иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни жадаллаштиришга катта туртки берди.*

*Вилоят ҳокими Қобул ТУРСУНОВ белгилаб берилган вазифалар, яқин истиқболда амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг аҳамияти хусусида “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари учун эксклюзив интервью берди.*

***— Қобул Бекназарович, давлатимиз раҳбарининг ташрифини вилоят аҳли катта ҳаяжон ва қизиқиш билан кузатди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Президентимизнинг ҳар бир ташрифи ҳудудлар тараққиётида янги истиқболларни очиб беради. Энг муҳими, аҳолини иш билан таъминлаш ва иқтисодиётимизни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга янги мазмун бағишлайди. Шундай эмасми?***

— Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг ҳудудларга ташрифи, мавжуд имкониятлар ва яратилган шароитларни кўздан кечириб, одамлар билан самимий мулоқот қилиши, устувор вазифаларни белгилаб бериши иқтисодиёт тармоқларини кенгайтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш борасидаги ишларга янги руҳ, янги суръат бағишламоқда. Бу галги ташриф ҳам мазмун-моҳиятига кўра, бизга алоҳида масъулият юклади.

3

## ҲАМКОРЛИККА ПОЙДЕВОР ШУ ЕРДА ҚЎЙИЛАДИ

### Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазма мажмуасида «Қишлоқ хўжалиги — AgroWorldUzbekistan — 2019» ўн тўртинчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

*Мазкур тадбир ўтган вақт мобайнида қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари учун, том маънода, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамловчи муҳим форумга айланди. Бинобарин, унда йил сайин иштирокчилар сафи ҳам, намойиш этилаётган маҳсулотлар тури ҳам тобора ортиб бормоқда.*

Кўргазма

Хусусан, галдаги кўргазмада мамлакатимиздан ташқари, Австрия, Озарбайжон, Беларусь, Буюк Британия, Бельгия, Германия, Дания, Италия, Испания, Канада, Қозоғистон, Латвия, Хитой, Қирғизистон, Польша, Корея Республикаси, Россия, Туркия, Украина, Франция каби 22 давлатнинг 150 дан ортиқ компаниялари ўз маҳсулот ҳамда хизматларини учта павильон ва очиқ майдонда намойиш этмоқда.

Эътиборлиси, бу йилги қатнашчиларнинг 90 фоизи хорижликлардир.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2019 йил 15 март

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Маҳкумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1) **$14^1$-модданинг иккинчи**, **учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жазони ижро этиш муассасаларининг, қамоқда сақлаш жойларининг ва махсус қабулхоналарнинг (бундан буён матнда қамоқда сақлаш жойлари деб юритилади) маъмурияти қамоқда турган шахсларнинг мурожаатларини Вакилга йигирма тўрт соатдан кечиктирмай, муҳрланган тарзда юборади, телеграммаларни эса дарҳол юборади. Вакилнинг жавоби кўздан кечирилиши мумкин эмас ва арз қилувчига зудлик билан етказиб берилади.

Вакил шикоятлар кўриб чиқилаётганда, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшираётганда қамоқда сақлаш жойларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга. Мазкур муассасаларнинг маъмурияти Вакилнинг хавфсизлигини таъминлайди.

Қамоқда сақлаш жойларининг маъмурияти Вакилга қамоқда турган шахслар билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда суҳбатлашиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт, учрашув ва суҳбат ушбу муассасалар ходимлари уларни кўриб турадиган, лекин эшитмайдиган шароитларда холи ўтказилади»;

2) қуйидаги мазмундаги **$20^9$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$20^9$-модда. Вакилнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича фаолияти**

Вакил қамоқда сақлаш жойларига мунтазам кириб туриш орқали қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича чоралар кўради.

Вакил қамоқда сақлаш жойларига кирганида:

қамоқда турган шахсларнинг сони ҳақида ахборот олади;

қамоқда турган шахсларни сақлаш ва улар билан муомалада бўлиш шароитларини ўрганади;

қамоқда турган шахслар билан, шунингдек қамоқда сақлаш жойлари маъмуриятининг ходимлари билан учрашувлар ва суҳбатлар, шу жумладан холи учрашувлар ва суҳбатлар ўтказади. Бунда мазкур учрашувлар ва суҳбатлар жараёни боришининг баённомаси юритилади, зарур бўлганда техника воситаларидан фойдаланилади;

шахснинг қамоқда туришининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишади ва уларнинг кўчирма нусхаларини олади;

қамоқда сақлаш жойларининг маъмуриятидан қамоқда турган шахсни тиббий текширувдан ўтказишни, унга тиббий, психологик ва бошқа ёрдам кўрсатилишини талаб қилади, мазкур тадбирлар ўтказилаётганда ушбу шахснинг розилиги билан ҳозир бўлади;

қамоқда сақлаш жойларининг маъмурияти раҳбарларидан қамоқда турган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари юзасидан тушунтиришлар олади;

қамоқда сақлаш жойлари маъмуриятининг ғайриқонуний ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) чек қўйиш учун зудлик билан чоралар кўради;

қамоқда турган шахсларни сақлаш шароитлари тўғрисида хулоса тузади ва уни тегишли ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юборади;

тегишли давлат органларига уларнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олишга доир фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва таклифлар киритади.

Вакил шахслар турган, ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган бошқа жойларда ҳам қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган чораларни кўради.

Вакилнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича фаолиятига кўмаклашиш учун Вакил томонидан эксперт гуруҳи тузилади. Эксперт гуруҳи тўғрисидаги низом Вакил томонидан тасдиқланади.

Эксперт гуруҳининг таркиби нодавлат нотижорат ташкилотларининг, қоида тариқасида, юриспруденция, тиббиёт, психология, педагогика соҳасида, шунингдек бошқа соҳаларда касбий ҳамда амалий билимларга эга бўлган вакиллари орасидан шакллантирилади.

Вакил эксперт гуруҳи аъзоларининг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олишга доир вазифаларини белгилайди, шунингдек уларга қамоқда сақлаш жойларига ва шахслар турган, ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган бошқа жойларга монеликсиз кириш ҳуқуқини берувчи махсус йўлланмалар беради. Махсус йўлланма Вакил Котибиятининг ходимларига ҳам берилади»;

3) **21-модда**:

**биринчи қисмидаги** «тузилиши мумкин» деган сўзлар «тузилади» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Котибият тузилмасида Вакилнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича фаолиятига кўмаклашувчи сектор тузилади»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-модданинг биринчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи** – **ўнинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«об-ҳаво шароити йўл қўйса, ишдан бўш вақтида тоза ҳавода жисмоний машқлар билан шуғулланиш;

жазони ижро этиш муассасасининг психологик хизмат кўрсатиш ходимлари томонидан кўрсатиладиган психологик ёрдамни олиш. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг психологик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этиши фақат уларнинг розилиги билан амалга оширилади;

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хавфсиз меҳнат шароитига эга бўлиш, дам олиш, таътилга чиқиш, шунингдек меҳнатига ҳақ тўланиши»;

**саккизинчи хатбошиси ўн биринчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

2) **84-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақлаш шароитига қараб умумий турар жойларда, хоналарда ёки камераларда яшайди, ушбу турар жойлар, хоналар ёки камералар белгиланган тартибда тасдиқланган санитария-гигиена ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларига мос келиши керак»;

3) **87-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи** – **тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс жазони ижро этиш муассасасига қабул қилиш чоғида, жазони ўташ пайтида вақти-вақти билан, бироқ олти ойда камида бир марта, шунингдек мурожаатларга кўра тиббий кўрикдан ўтказилади. Тиббий текширувдан ўтказиш махфийлик шартлари асосида амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс жазони ижро этиш муассасасига қабул қилинган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида у билан суҳбат ўтказилади, маҳкум жазони ижро этиш муассасасининг карантин хоналарида тиббий кўрикдан ва санитария-гигиена тадбирларидан ўтади.

Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазони ижро этиш муассасасига қабул қилинаётганда ҳам, шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож бўлганда ҳам тиббиёт ходимлари ушбу шахсларнинг ёнига зудлик билан киришини таъминлаши керак.

Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлганда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий муассасаларига жойлаштирилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож бўлган шахслар даволаш муассасаси ҳуқуқига эга бўлган колонияларга ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган касалхоналарга юборилади, шунингдек улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий муассасаларига жойлаштирилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс оғир касалликка чалинган тақдирда, жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкумнинг розилиги билан унинг яқин қариндошларига ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг ўзи кўрсатган бошқа шахсларга бу ҳақда дарҳол хабар беради.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс оғир касалликка чалинган тақдирда, телефон орқали қўшимча сўзлашишга, шунингдек шифокорнинг рухсати билан қўшимча учрашувга рухсат берилади»;

**учинчи** – **бешинчи қисмлари** тегишинча **ўнинчи** – **ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **97-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тарбиявий ишлар босқичма-босқич равишда қуйидагича амалга оширилади:

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс жазони ижро этиш муассасасига келган вақтда унинг психологик қиёфасини, тузалиш йўлига ўтишга мойиллигини аниқлаган ҳолда уни дастлабки тарзда ўрганиш;

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг онгини ўзгартириш бўйича тадбирлар ўтказиш, уларда содир этган жиноятидан пушаймон бўлиш ҳиссини уйғотиш;

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг талаб мавжуд бўлган касблар ва мутахассисликларга оид касбий таълимини ташкил этиш, ўқишни тугаллаганидан сўнг тегишли ҳужжат бериш ҳамда уларни кейинчалик ишга жойлаштириш»;

5) **105-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар қуйидаги ҳолларда интизомий жавобгарликка тортилмайди:

меҳнат нормаларини бажармаганлиги учун, агар бу ишни рад қилиш ёки ишдан бўйин товлаш оқибати бўлмаса;

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс руҳий ҳолати бузилишининг бевосита оқибати ҳисобланган бирор-бир қоидабузарлиги учун»;

6) **106-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолат, маҳкумнинг хулқ-атвори ва шахсий хислатлари, унинг хулқ-атворига ва қоидабузарлик ёки қилмиш содир этишга таъсир қилиши мумкин бўлган, интизомий чоралар қўллаш учун сабаб бўлган руҳий ҳолати бузилишининг мавжудлиги, шунингдек олиб ташланмаган ва бекор бўлмаган интизомий жазолари бор-йўқлиги интизомий жазони қўллаш чоғида инобатга олинади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 14 март
№ ЎРҚ–530

# Сиёсий партияларнинг ҳисоботлари эшитилди

1

Норма ижодкорлиги, айниқса, мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳаётий муҳим масалаларини белгилаб берувчи, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга эътибор кучайтирилди. Сиёсий партиялар фракцияларининг парламентдаги роли ва таъсири ортди. Уларнинг тегишли вазирлик ва идоралар фаолияти устидан самарали парламент ҳамда депутатлик назоратини ўз фракциялари ва ҳокимиятнинг вакиллик органларидаги гуруҳлари орқали амалга ошириш функциялари мустаҳкамланди.

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунга биноан, сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сонига қараб, ўз устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат томонидан молиялаштириш маблағларини олиш ҳуқуқига эга.

Мажлисда алоҳида қайд этилганидек, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг роли тобора оширилиши улар фаолиятида молиявий интизомни янада кучайтиришга эътибор қаратишни талаб қилади. Бу, ўз навбатида, сиёсий партиялар тасарруфига Давлат бюджетидан келиб тушадиган маблағлар харажатларини тўғри режалаштириш, мақсадли сарфлашни тақозо этади.

Шу боис мажлисда таъкидланганидек, сиёсий партияларнинг моддий-молиявий ҳамда бошқа ресурслари уларнинг дастурий мақсад-вазифаларини амалда рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Айни жиҳатдан келиб чиқиб, мажлисда сиёсий партиялар томонидан 2018 йилда маблағларнинг мақсадли сарфланиши ҳамда уларга доир ҳисоботларнинг шаффоф ва очиқлиги қай даражада таъминлангани масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги ишлар атрофлича таҳлил қилинди.

Фракциялар аъзолари таъкидлаб ўтганидек, бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча сиёсий партияларида назорат-тафтиш комиссиялари самарали фаолият юритмоқда. Улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлари, жумладан, функциялари, вазифалари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган.

Депутатлар эшитув давомида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда, сиёсий партияларнинг 2018 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилди.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

## Таҳлил

*Президентимизнинг “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинганига яқинда бир йил тўлади.*

# ҚАРОР ИЖРОСИГА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзолари мазкур ҳужжат ижросини назорат-таҳлил фаолияти тартибида ўрганди. Унинг натижалари қўмитанинг депутатлар, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ходимлари, Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди.

**Фарҳоджон ҚУВАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ишчи гуруҳи аъзоси:**

— Қўмитамиз ҳузуридаги ишчи гуруҳи қарор ижроси юзасидан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш, ҳудудларда мазкур ҳужжатнинг ижроси қай тарзда бораётганини аниқлаш мақсадида Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида бўлди. Афсуски, қарорни тўла-тўкис ижро қилиш борасида ҳудудларда талайгина муаммолар мавжуд. Буни нималарда кўриш мумкин? Биргина мисол, ҳужжатда санитар тозалаш хизматлар кўрсатишни босқичма-босқич тадбиркорлик субъектларига бериш, бизнес субъектларига “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси орқали “ноль” қийматда танлов асосида берилиши юзасидан вазифалар белгиланган. Бу 2018 йилнинг 1 августидан бошланиши лозим эди. Бироқ бугунги кунда иккала вилоятда ҳам бу борада ҳали ишлар бошланмаган. Биронта туман ҳокимлиги томонидан таклифлар электрон аукцион майдончасига жойлаштирилмаган. Ачинарлиси, бунга умуман маблағ талаб этилмайди. Фақат туман ҳокимликларидан ҳудудларни танлаб, маълум бир чегараларни белгилаб, таклифларни бериши лозим эди. Тадбиркорлар эса таклифни ўрганиб чиқиб, ўзига маъқул бўлса, тендерда иштирок этишлари мумкин. Бугунги кунда тендерда қатнашиш истагини билдирган, шу соҳа билан шуғулланиб сармоя тикмоқчи бўлаётган тадбиркорларимиз бор, афсуски, таклифлар йўқ. Бу жойлардаги ҳокимликларнинг йўл қўяётган сусткашлиги сабаблидир.

Фарғона вилоятида ҳозирги вақтда техникаларнинг ташиш қувватидан келиб чиқиб, 846 мингдан зиёд аҳоли қамраб олинган. Аҳолиси сони 3,7 миллиондан зиёдни ташкил этувчи мазкур вилоятда “Тоза ҳудуд” ДУК ҳамда санитар тозалаш корхоналари томонидан 1 миллион 261,7 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бу кўрсаткич жами аҳолига нисбатан 34 фоизни ташкил этади, холос. Сурхондарё вилоятида эса қамраб олиш 55 фоиздан ошмайди. Мазкур ҳолат чиқинди ташиш техникаларининг етишмаслиги билан изоҳланган.

Шунингдек, тадбирда Сурхондарё ҳамда Фарғона вилоятлари экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари раҳбарларининг ушбу масала юзасидан маълумотлари тингланди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган тадбирда Президент қарори ижросини самарали таъминлаш борасида бир қатор таклифлар билдирилди.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

# «Travel Trade Journal» сайёҳларга Тошкентнинг қайси масканларини тавсия этди?

1

“Унинг томоша майдонига чиқар экансиз, сиз шаҳарнинг мафтункор манзарасидан ҳайратга тушишингиз, шубҳасиз”, дейди муаллиф.

Мақолада Амир Темур хиёбони, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Мустақиллик майдони, “Жасорат” монументи, истироҳат боғлари ва бошқа диққатга сазовор жойлар ҳам пойтахт кўркига кўрк қўшиб тургани айтилади.

Ҳинд нашри туристларга Ўзбекистон давлат санъат музейи, Фотолар уйи, Камолиддин Беҳзод номидаги музей, кўплаб кўргазма залларига ҳам ташриф буюришни тавсия қилади.

Муаллиф Тошкент метрополитенини, албатта, кўриш лозимлигини билдирган. Унинг фикрича, бу ердаги ҳар бир бекат машҳур архитектор ва дизайнерлар томонидан яратилган ноёб санъат асарларига бой.

Маълумот учун келтириш жоиз, “Travel Trade Journal” Ҳиндистондаги сайёҳлик соҳасига ихтисослаштирилган етакчи нашрлардан биридир. Журнал ушбу давлатдаги туризм компаниялари ва операторлари, авиакомпаниялар, бизнес, маданий-академик доиралар ҳамда жамоатчилик ўртасида кенг оммалашган.

**С. ҚОСИМЖОНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

# Халқаро муносабатларда парламент дипломатиясининг алоҳида ўрни бор

1

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбатида шулар хусусида сўз юритилиб, асосий эътибор мамлакат ташқи сиёсатидаги устуворликларга қаратилди.

Эътироф этилганидек, бугун Ўзбекистон ташқи сиёсатида мутлақо янгича ёндашув пайдо бўлди. Етакчи хорижий давлатлар, аввало, яқин қўшнилар билан дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича аниқ ва амалий ишлар қилинмоқда. Кўплаб олий даражадаги ташриф ва учрашувлар, халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларнинг ечимига қаратилган шартнома ва келишувларга эришилаётгани принципиал жиҳатдан янги мазмундаги ҳамкорлик учун мустаҳкам асос вазифасини ўтамоқда.

Тадбирда ушбу жараёнда парламентнинг алоҳида ўрни борлиги қайд этилди. Чунки бу борадаги алоқалар парламент дипломатиясининг мавқеини юксалтиришга, томонларнинг ўзаро позицияларини яқинлаштиришга, давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишига замин яратади.

Депутатлар, давра суҳбати иштирокчилари мазкур қўмита ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан бирга ишлаб чиқилаётган “Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхталиб ўтишди. Уни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар атрофлича муҳокама қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ҲАМКОРЛИККА ПОЙДЕВОР ШУ ЕРДА ҚЎЙИЛАДИ

1

Масалан, биргина Туркиядан 60 та компания иссиқхоналар учун ускуналар, дон маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш технологиялари, паррандачилик хўжаликлари учун жиҳозлар ҳамда ерга ишлов бериш техникаларини таклиф қиляпти.

Халқаро анжуманда чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, томчилатиб суғориш, иссиқхона хўжалиги, қайта ишлаш ва сақлаш сингари тармоқлар бўйича маҳсулотлар жойлаштирилгани бу ерга келувчилар учун янада қулайлик яратган.

— Биламиз, айни пайтда Ўзбекистонда иссиқхона хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Голландиянинг

“Agrotech-Didam BV” компанияси вакили Игорь Резицкий. — Шу боис мазкур тармоқ учун зарур ускуналарни келтирдик. Ишонамизки, иштирокимиз бесамар кетмайди. Дастлабки кунданоқ маҳсулотларимизга қизиқиш юқори бўлди.

Кўргазма нафақат шундай замонавий асбоб-ускуналар, балки амалий мулоқотлар, турли семинар ва тақдимотларга ҳам бой кечади. Унинг доирасида фермерлар учун иссиқ шароитда чорва молларини парваришлаш йўналишида семинар ҳамда қишлоқ хўжалигида замонавий технологияларни қўллаш мавзуида тренинг уюштирилди.

Анъанага кўра, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши кўмагида “Фермерлар куни” ташкил этилгани уларга хориж тажрибаси билан танишиш, маҳсулот ёки хизматларни танлаш, иштирокчилар билан бевосита мулоқот ўтказиш имкониятини берди.

Халқаро кўргазма Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси ҳамда “Iteca Exhibitions” компанияси томонидан ташкил этилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»).**

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

# ВАЗИФАЛАР НИҲОЯТДА МАСЪУЛИЯТЛИ

## УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ФИДОЙИЛИК ВА ҚАТЪИЯТЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

1

Маълумки, Президентимиз ўтган йилнинг март ойида вилоятимизда бўлганларида, Фозғон мармари ва гранит тошларидан саноат йўлида фойдаланиш, ушбу тошлардан пардозбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқариш вазифаларини белгилаб берган эди. Мазкур топшириқ асосида қарийб 10 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, 6 гектар дашт ерда замонавий "Мармаробод" давлат унитар корхонаси ишга туширилди. Хориждан 655,5 минг АҚШ долларилик технологик ускуналар келтирилиб, йилига 24 минг квадрат метр гранит тошни қайта ишлаш имконияти яратилди. Қирқ киши доимий иш билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхона фаолияти ва ундаги мутахассислар билан мулоқот қилар экан, Фозғондаги ер ости бойликлари, хусусан, мармар ва гранит тошлари ҳудуд равнақида мустаҳкам асос бўлишини таъкидлади. Келгусида корхонада камида 200 миллион долларлик лойиҳаларни жорий этган ҳолда, йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини 250 миллиард сўм, экспорт миқдорини 10 миллион АҚШ долларига етказиш, маҳсулот сифатини ошириш ва таннархини туширишни орқали унинг ички ҳамда ташқи бозорда харидоргирлигини таъминлаш, малакали кадрлар тайёрлаш каби вазифаларни белгилаб берди.

Фозғон қўрғонига тошга ишлов беришга ихтисослаштирилган саноат шаҳри мақомини бериш, ҳудуд инфратузилмаси ва саноатни ривожлантириш учун бу ерга темир йўл линияси тортиш таклифлари барчани беҳад мамнун этди. Бу Нурота равнақида улкан имкониятлар эшигини очади.

***— Президентимиз Навоий вилояти — тадбиркорлар вилоятига айланиши керак, деди. Бундан ташқари, ҳудудни экспортга йўналтирилган инновацион ва юқори технологияли ишлаб чиқаришлар бўйича эркин иқтисодий зонага айлантиришни таклиф қилди. Айтинг-чи, бу ташаббуслар вилоятнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишда қандай аҳамият касб этади?***

— "Навоий — тадбиркорлар вилояти" лойиҳаси эксперимент тариқасида амалга оширилади. Бунда қулайлик яратиш мақсадида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда давлат божини камайтириш, қатор хизмат кўрсатиш соҳаларига имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Бу бизнеснинг жадал ривожланишида муҳим пойдевор бўлади.

Президентимиз аҳоли фаровонлигини оширишда барча имкониятни ишга солиш, хусусан, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида 41 минг оилага кўмаклашиш, унга 50 миллион доллар ажратиш топшириқларини берди. Шу билан бирга, вилоятимизда аҳолининг томорқа ерларидан фойдаланиш ҳаҳоли қониқарли эмаслигига эътибор қаратиб, 136 минг хонадоннинг томорқа ерларида "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида ишларни ташкил этиш, томорқа хизмати инфратузилмасини жонлантириш лозимлигини уқтирди. Дунёнинг бирор-бир мамлакатида ўз томорқасидан фойдаланганлиги учун фуқарога пенсия тайинлаш амалиёти жорий этилмаганлигига эътибор қаратди.

Шунингдек, вилоятда кичик бизнесни тўрт баравар, ҳунармандчиликни 2,5 баравар ошириш, шулар орқали вилоят бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида уларнинг улушини кўпайтириш белгиланди. Бу орқали қанчадан-қанча оилага қўшимча даромад киради, уларнинг турмуши янада яхшиланади, деганидир.

Ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида аввалроқ Президентимизнинг бир қатор ҳужжатлари қабул қилинганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Масалан, 2017 йил 25 апрелдаги "Навоий вилоятининг олис чўл туманларида аҳоли турмуш даражасини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 29 сентябрдаги "Навоий вилоятининг Томди, Учқудуқ, Конимех, Нурота туманлари ва Зарафшон шаҳрини комплекс ривожлантириш ҳамда аҳолиси бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари бу борада катта имкониятлар яратди.

Биргина Конимех тумани мисолида бунинг аҳамиятини айтиб ўтсам. "Навоий гипс хомашё" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятида ўзининг турдош цехларига эга. Юқорида номи келтирилган ҳужжатлар тадбиркорни Конимех туманида ҳам ўз ишлаб чиқаришини йўлга қўйишга қизиқтирди. Хўш, нега айнан Конимех уни қизиқтирди, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, корхона фаолият юритаётган ҳудуддан 10 километр нарида темир йўл бекати мавжуд. Бундан англаш мумкинки, инвестициявий жозибадорликда коммуникация тизими, энергетика ҳамда бошқа инфратузилмаларни яратиш ҳам муҳимдир.

Белгилаб берилган вазифалар вилоятни экспортга йўналтирилган инновацион ва юқори технологияли ишлаб чиқаришлар бўйича эркин иқтисодий зонага айлантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш каби бир қатор вазифалар ҳам борки, бу борада комплекс чора-тадбирларни қамраб олган "Йўл харитаси" ишлаб чиқилмоқда.

Вилоятимизнинг Конимех туманида 154 миллиард сўмлик инвестиция маблағини жалб этган ҳолда 50 дан зиёд лойиҳаларнинг, Томди туманида эса кварц, бентонит ва бошқа қазилма бойликлар асосида 21 лойиҳанинг амалга оширилиши мазкур ҳудудларга ҳам саноат кириб келишини янада кўпайтиради.

***— Вилоят чорвачилик, қорақўлчилик ва балиқчиликни ривожлантириш борасида катта тажрибага эга. Ташриф доирасида бу борадаги салоҳиятни янада юксалтиришга қаратилган қатор лойиҳаларнинг тақдимотлари ҳам ўтказилди. Шу ҳақда тўхталсангиз.***

— Ана шу лойиҳаларнинг тақдимоти бир пайтлар ташландиқ бўлган ҳудудда, тадбиркор томонидан ўзлаштирилиб, фаолияти йўлга қўйилган "Export Fish Product" масъулияти чекланган жамиятида ўтказилди. Бизнес ривожига шароит яратилса, имконият берилса, натижа қандай бўлишини айни мана шу корхона мисолида кўриш мумкин. Бу ерда усти ёпиқ сув ҳавзалари, 500 тонна сиғимга эга музлаткичли омборхона, шунингдек, аҳолининг ҳордиқ чиқариши, яъни шу ернинг ўзида балиқ тутиб истеъмол қилиши учун умумий овқатланиш шохобчаси ва сайилгоҳ қурилган. Эллиқта иш ўрни яратилган.

Корхона тўлиқ қувват билан иш бошлагач, йилига 500 тонна балиқ, 100 миллион дона балиқ чавоғи етиштирилади. Келажакда корхона 800 та аҳоли хонадонида ҳам интенсив усулда балиқ боқишни режалаштирган. Натижада 900 га яқин кишилар иш билан таъминланади. Эътиборлиси, корхона тасарруфидаги 2 минг гектарлик кўлда етиштириладиган балиқ кластер усулида қайта ишланиб, ундан балиқ уни, мойи, филеси, консерваси, яримтайёр ҳолатда балиқ котлети ва дудланган балиқ тайёрланади. 600 тонна тайёр маҳсулот экспорт қилинади.

Президентимиз мазкур корхона фаолияти билан танишиш асносида вилоятимиз кўл, ҳавза ва сув имкониятларидан келиб чиқиб, улардан унумли фойдаланиш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Маҳсулот кўп бўлса, рақобат бўлади, рақобат бўлса, сифат ошади, сифат юқори бўлса, экспорт самарали бўлади. Оддий одамларни бой қилсак, давлат ҳам бой бўлади, деди давлатимиз раҳбари. Бу фикр биз учун бош мезон бўлиб хизмат қилади.

Яна бир муҳим лойиҳа "Конимех техно оазис" МЧЖ томонидан туячилик ва йилқичиликни ривожлантириш билан боғлиқ. Лойиҳага асосан, хориждан 900 бош туя, йилқи, наслли қўй келтирилади. Қолаверса, чавандозлик мактаби ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган. Ана шуларнинг тақдимотида ҳам Юртбошимиз азал-азалдан чорвачиликка ихтисослаштирилган Қизилқумнинг табиий ва иқлим шароитига атрофлича тўхталиб, ўзбек қорақўлининг қадим довруғини тиклаш бўйича аниқ топшириқларни берди. Яйловлар озуқадорлигини оширишда илмий ёндашувларни йўлга қўйиш, чорва наслдорлигини илмий асосда ривожлантириш шулар жумласидандир.

Вилоятимизнинг қишлоқ хўжалиги йўналишидаги яна бир истиқболли лойиҳа "Навоий" эркин иқтисодий зонасидаги "Navoiy ishonch gilamlari" масъулияти чекланган жамияти томонидан тақдим этилди. Унга мувофиқ, қишлоқ хўжалиги экинларини сунъий ёмғир усулида суғориш технологик ускуналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Натижада сув, ёқилғи, минерал ўғитлар сарфи бир неча баравар камаяди. Умуман, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишда вилоятимизнинг Нурота, Навбаҳор ва Конимех туманларида қудуқлар қазилиб, улар воситасида томчилатиб суғориш усули жорий қилиниб, лалми ерлардан самарали фойдаланиш, дуккакли экинлар етиштириш, Нурота туманида 10 минг гектар майдонда писта, бодомзор, паррандачилик ва ғаллачилик кластерларини ташкил этиш вазифалари белгиланди.

***— Ташриф давомида Нурота, Хатирчи туманлари марказлари қиёфасини тубдан ўзгартириш юзасидан вазифалар берилди. Айтинг-чи, бу топшириқлар бўйича қандай ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган?***

— Жорий йил вилоятимизда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 24 та қишлоқ ва 5 та маҳалланинг қиёфаси мутлақо замонавий кўриниш олади. Шу мақсадда 400 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилади. Биз ишимизни тўғри ташкил этиш мақсадида Жиззах тажрибасини бориб ўргандик. У ердаги ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишдик. Энг муҳими, мазкур бунёдкорликлар одамлар руҳиятига юқори кайфият ва ишонч олиб кирганига гувоҳ бўлдик.

Хатирчи ва Нурота туманлари марказлари қиёфасини тубдан ўзгартириш, ушбу туманларда узоқ йиллардан буён тўпланиб қолган, одамларни ташвишга солаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади. Барча ишимиз шунга мувофиқ ташкил этилади.

***— Вилоятда ташқи ва ички бозорда юқори талабга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритади. Булар "Навоийазот" акциядорлик жамияти ва Навоий иссиқлик электр станциясидир. Кейинги пайтларда мазкур объектларда йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шулар хусусида сўз юритсангиз.***

— Вилоятнинг шаҳар ва туманларида тадбиркорлик, хусусан, реал ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, юқори технологияга асосланган корхоналарнинг кўпайиши, табиийки, электр энергиясига бўлган эҳтиёжни оширади.

Ташриф давомида давлатимиз раҳбари ана шу жиҳатга эътибор қаратиб, электр энергияси таъминотидаги барқарорлик мамлакатимиз инвестицион жозибадорлигининг муҳим шарти, аҳоли фаровонлигининг ойнаси эканлигини алоҳида таъкидлади. Ана шулар инобатга олиниб, Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмаси ишга туширилди. Ушбу янгиланишларни изчиллик билан давом эттириш, яна иккита буғ-газ қурилмасини бунёд қилиш бўйича вазифалар берилди. Шунингдек, ушбу корхона базасида кадрлар тайёрлаш маркази фаолиятини кенгайтириш, бошқа ҳудудлардаги корхоналарда ёш кадрларнинг буғ-газ қурилмаси пойдевори қўйилишидан бошлаб охирги жараёнгача қуриш, пайвандлаш, ўрнатиш ва ишлаб чиқаришга мослаштириш ишларида иштирокини таъминлаш юзасидан топшириқлар берди.

Электр энергиясига бўлган эҳтиёжни қаноатлантиришда вилоятнинг иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш, мазкур мақсадларга қиймати 110 миллион АҚШ долларилик мосламаларни келтириш вазифалари белгиланди.

***— Навоийнинг сайёҳлик салоҳияти ва жозибадорлиги хусусида сўз юритганда, аввало, Нурота ва унинг "Чашма" мажмуаси тилга олинади. Бу ерда ташриф буюрувчиларга қулай шароитлар яратиш бўйича катта ишлар қилинди. Лекин яна янги вазифалар ҳам белгилаб берилди.***

— Ҳақиқатан ҳам, Президентимиз эътибори билан бу табаррук манзил қиёфаси бутунлай ўзгарди. Гап шундаки, давлатимиз раҳбари 2017 йилги ташрифи давомида "Чашма" зиёратгоҳи атрофини кенгайтириш, ободонлаштириш ва замонавий меҳмонхона қуриш вазифаларини белгилаб берган эди. Шунга асосан, зиёратгоҳ ҳудудида 50 ўринли меҳмонхона қурилиб, "Чашма"га элтувчи йўл ва йўлакларни кенгайтириш ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Манзарали бута ва дарахтлардан иборат аллея яратилди, фаввора ҳамда кўшк кўринишидаги сўрилар, ўриндиқлар ўрнатилди. Айни пайтда Ўлкашунослик музейи ва Ҳунармандлар марказида бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Бундан ташқари, Чилустун ва Панжвақта масжидлари, Абул Ҳасан Нурий мақбарасини реконструкция қилиш режалаштирилган.

Президентимиз ушбу мажмуадаги лойиҳалар билан танишиш давомида бир кунда ушбу манзилга 1,5-2 минг нафаргача сайёҳлар келишини инобатга олиб, яна 80 ўринли меҳмонхона қуриш, сайёҳларга кўрсатиладиган хизмат турларини кўпайтириб, аҳолини қўшимча даромад билан таъминлаш вазифаларини белгилади.

Умуман, вилоятимизнинг сайёҳлик салоҳияти кенг имкониятларга эга. Масалан, энг чекка ҳудуд — Мингбулоқдаги Тошўрмон, Сармиш дарасидаги петроглифлар, Айдаркўл бўйидаги экотуристик масканлар бу борада фикримизга яққол мисол бўла олади.

***— Президентимизнинг мазкур ташрифи вилоят ёшлари ҳаётига доир муҳим янгиликларга ҳам бой бўлди.***

— Албатта. Давлатимиз раҳбари ёшларга доим оталарча ғамхўрлик кўрсатади. Вилоят фаоллари билан ўтган видеоконференцалоқада томдилик қизимиз туман марказида тил ўргатиш маркази ташкил этишда ёрдам сўраб, мурожаат қилди. Тўғриси, томдилик ёшларимизнинг айни эҳтиёжи эътиборимиздан четда қолганлигидан хижолат тортдик. Бу борадаги таклиф тез орада ўз ижросини топади. Шунингдек, вилоятда мактабгача таълим муассасаларини бунёд этиш ва умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари изчиллик билан давом эттирилади.

Президентимизнинг вилоятимизга ташрифида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси ҳудуд салоҳиятини янги босқичга олиб чиқиб, аҳолининг бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши учун муҳим пойдевор бўлади. Вазифалар ниҳоятда масъулиятли, уларни амалга ошириш учун фидойилик ва қатъиятлик талаб этилади. Биз барча ишимизни ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ташкил этамиз.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

### Ҳудудда "Навоий – тадбиркорлар вилояти" лойиҳаси эксперимент тариқасида амалга оширилади

**"Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида 41 минг оилага 50 миллион доллар ажратилади**

**136 минг хонадоннинг томорқа ерларида "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида ишлар ташкил этилади**

**Кичик бизнесни 4, ҳунармандчиликни 2,5 баравар ошириш орқали вилоят бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида уларнинг улуши кўпайтирилади**

**Нурота туманида 10 минг гектар майдонда писта, бодомзор, паррандачилик ва ғаллачилик кластерларига асос солинади**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратларидан фойдаланилди.

Мавсум

# Томорқани қадрлаган билади, билмаган хато қилади...



*— Меҳнатнинг роҳатини томорқадан топдик, — дейди Фиждувон туманидаги Абдулла Қаҳҳор номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 80 ёшли Ибод Ашуров. — 13 сотих еримиз бор. Иссиқхонамизда помидор, бодринг, лимон етиштириб, кам бўлаётганимиз йўқ. Шу десангиз, лимоннинг ўзидан бир тонна ҳосил олдик. Яхшидан боғ қолади, дейишади. Фарзанду невараларимга бош-қошман. Томорқага меҳрларини бериб ишлашади. Кўриб, кўнглим кўтарилади.*

"Қуш инида кўрганини қилади", деганларидек, отанинг тўнғич қизи Кадира Давронова ҳам ўзи келин бўлиб тушган ҳовлига қут-барака олиб келди. Турмуш ўртоғи билан иссиқхона барпо этди. "Биргина лимондан 12 миллион сўм даромад қилдик", дейди у.

Шу ҳудудда яшовчи Гулбаҳор Қодировага "Қандай қилиб рўзғор каму кўстини тўлдирсам экан?" деган ўй тинчлик бермасди. Буни қарангки, "пичоқнинг сопи" ўзидан чиқди. Банк ажратган имтиёзли кредит эвазига иссиқхона қурилди. Етиштирилган ҳосил бозор пештахтасидан ўрин олмоқда. Гулбаҳор опа рўзғорига барака кирганидан хурсанд.

Шофирконда Анзур Назаров деган деҳқон бор. Ернинг "тили"ни билади. Тажрибаси катта.

— Биз яшаётган Тезгузарнинг экин ерлари шўр, тупроғи — тошлоқ, — дейди у. — Бир гектар ерга пахта етиштириш учун 14 миллион сўм маблағ сарфлаб, атиги 1 миллион сўм соф фойда кўрилганига ўзим шоҳидман. Паст рентабелли шу ерларнинг бир гектарида замонавий иссиқхона барпо этдим. Банк ажратган 1 миллиард 800 миллион сўм миқдоридаги кредит асқатди. Жорий йилнинг шу кунига қадар бозорга 40 тоннадан зиёд помидор ва бодринг етказиб бердик.

Анзур ака йил якунига қадар шу ердан 400 миллион сўмдан зиёд даромад олишни чамалаб турибди. 400 миллион қайда-ю, 1 миллион сўм қайда? Хулоса ясаш ўзингиздан.

— Хидрейли маҳалласида яшовчи Ҳамроев, Примов, Итоқовнинг хонадонига кирганда кишининг баҳридили очилади, — дейди Олот тумани Халқ қабулхонаси мудири Саъдулла Ўринов. — Томорқадан йилига уч-тўрт марта ҳосил олаётган бу хонадонларнинг бирор-бир нарсага зориқиб қолишганини эшитмайсан, киши. Афсуски, томорқани ўз ҳолига ташлаб қўйган фуқаролар ҳам учраб турибди. Ишчи гуруҳимиз Сойинқоровул маҳалласида яшовчи Ш. Юмутов, Пичоқчи маҳалласида истиқомат қилаётган Р. Примов, Бўрибек чандир маҳалласи фуқароси Б. Жумаев хонадонида бўлишганида ана шундай ҳолга гувоҳ бўлди. Бундай фуқаролар боқимандалик кайфиятидан халос бўлишга даъват этиляпти. Маслаҳат, тавсия бериш билан чекланиб қолмай, уларга амалий кўмак ҳам кўрсатилмоқда. Масалан, Бўрибек чандир маҳалласида турувчи кам таъминланган М. Хужжиеванинг тўрт сотих томорқасига уруғлик ажратилиб, ҳашар йўли билан картошка экиб берилди.

"Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас", дея топиб айтишган. Шундай экан, томорқанинг ҳар қаричидан оқилона фойдаланилса, рўзғорга барака киради. Зеро, ернинг уволи борлигини унутмаслик лозим.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Наврўз — 2019

# «ХАЛҚ САЙЛИ МЕНГА ИЛҲОМ БАҒИШЛАДИ»

*Бу йилги баҳор ўлкамизга яхши янгиликлар билан ташриф буюрди. Ҳар ерда ободонлаштириш, ҳар кўнгилда яратиш иштиёқи. Эзгуликлар элчиси — Наврўзи олам ташрифига ҳам муносиб совғалар тайёр.*

Айни кунларда халқимиз бунёдкорлигининг ёрқин намунаси бўлган "Humo Arena" мажмуасининг фойдаланишга топширилиши шулардан бири. Минтақамизда ягона муз саройининг тантанали очилиш маросими бугун бўлиб ўтади. Ушбу маросим меҳмонлари, маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари ассоциацияси, Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган Наврўз байрами тадбирларида қатнашиш учун Оҳангарон туманига йўл олишди. Бу хорижлик меҳмонларнинг қадриятларимиз билан яқиндан танишиш, улар ҳақида тасаввурга эга бўлишлари учун қулай имкониятдир.

— Ўзбекистонда баҳор ниҳоятда чиройли келар экан, — дейди Буюк британиялик журналист Скот Эллит. — Наврўз шукуҳини ҳар қадамда ҳис қиляпман. Бу онлар унутилмас ва ёқимли. Атрофдаги ўрик ва бодом гуллари манзарага янада фусункорлик бахш этган. Чечакларнинг хуш ифори, шўх ўйин-кулги, куй-қўшиқлар, сумалак ва ҳалимнинг лаззатли таъми, довюрак дорбоз ва полвонларнинг шижоати одамларнинг юз-кўзидаги қувонч билан уйғунлашиб кетган. Буларнинг барчаси ажойиб. Бу заминнинг обҳавоси ҳам ўзбекистонликлар каби меҳмондўст ва илиқ экан. Ҳаёт ташвишларини батамом унутдим. Иш жараёнидаги толиқишлар тумандек тарқаб кетди. Албатта, бундай роҳатбахш лаҳзалар ҳақида эссе ёзаман.

Иштирокчилар сайилда полвонлар беллашуви, "Ёр-ёр" ва "Ўлан" айтишувлари ҳамда баҳорнинг шоҳтаоми — сумалак тайёрлаш жараёнига гувоҳ бўлишди. Дорбозларнинг чиқиши эса уларга кўтаринки кайфият улашди.

Миллий таомлар билан безатилган байрам дастурхони халқимизнинг фаровон ҳаёти, меҳмоннавозлигининг амалдаги ифодаси бўлди. Нозик дид ва қалб меҳри билан яратилган ҳунармандчилик кўргазмаси барчада катта қизиқиш уйғотди. Ўймакорлар, кулоллар ҳамда чармга бадиий ишлов берувчи усталарнинг ижод намуналари, сўзанаю зардўзлик ишларида Ўзбекистоннинг ўзига хос анъаналари мужассам. Буларнинг барчаси ташриф буюрувчиларда ёрқин таассурот қолдирди.

**Саиджон МАХСУМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Эътибор

*Фориш тумани марказидан 10 чақирим олисда, тоғ ва адирлар, маъданли конлар билан ўралган ҳудудда жойлашган "Хонбанди" маҳалла фуқаролар йиғинида Ёшлар маркази иш бошлади.*

# «Хонбанди»да Ёшлар маркази

— Республика Ёшлар маркази томонидан 12 та компьютер ва шунча замонавий тикув машинаси, 1 000 дона энг сара китоб ва бадиий адабиётлар тўплами олдик, — дейди марказнинг тўғарак бошлиғи Барно Султонбекова. — Айни пайтда бу ерда 12 та тўғарак ташкил этилган бўлиб, уларда инновацион ғоялар амалиётига кенг эътибор берилмоқда.

"Пазандалик", "Тикувчилик", "Инглиз тили" тўгаракларига 200 нафарга яқин ёш йигит-қизлар аъзо бўлиб, ўз билимларини оширишни бошлашди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# БОШҚАЛАРИГА ЎХШАМАЙДИГАН КИТОБЛАР УЙИ

*Яккабоғ агросаноат касб-ҳунар коллежида темурийлар даври нақшу нигорлари ва замонавийлик уйғунлигидаги "Китоблар уйи" ("Дор-ул кутуб") ташкил этилди. Бу масканда китобхонлар учун қатор қулайликлар яратилган.*

Қулайлик

Масалан, фойдаланувчилар телефонларига адабиётларнинг электрон шаклини юклаб олишлари мумкин. Шунингдек, диск кўринишидаги китобларидан фойдаланиш имконияти ҳам бор. Ранг-баранг дизайн, маънавий етукликни шакллантиришга қаратилган интерьер унсурлари билан бу маскан эътиборни тортади.

Ундаги қадимий шамдонлар билан Ўрта аср маданияти даврини эслатувчи курсилар экспозициясида замонавий ва ноанъанавий китоб жавонлари кутубхонага ўзгача кўрк бағишлаган. Бу ерда XX аср ўрталаридан шу кунгача чоп этилган бадиий, илмий-оммабоп китоблар ҳамда турли дарсликлар жойлаштирилган. Қўшимча тарзда ўқиш ва тайёрланиш учун фанлар бўйича тест ҳамда адабиётлар, эртаклар, халқ оғзаки ижоди намуналарини кўриш мумкин.

— Кутубхонамиз ички имкониятларни ишга солиш ҳисобига ташкил этилди, — дейди коллежнинг касбий таълим бўйича директор ўринбосари Азамат Нормуродов. — Зиё масканимиздан 573 та бадиий ва дарслик китоб, тест саволлари жамламалари ўрин олди.

"Китоблар уйи" мунтазам янги асарлар билан бойиб бормоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОН

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2019 йил 15 март

# ЭЗГУЛИК ЁҒДУСИ ТАРАЛГАН ЮРТ



1

Яссавия тариқатининг асосчиси Хўжа Аҳмад Яссавий авлоди — Сузук отанинг исми Мустафоқул бўлиб, 1140 йилда Сайрамда таваллуд топган. Тарихий маълумотларга қараганда, у Аҳмад Яссавийнинг қизи Гавҳари Хуштожнинг кенжа ўғлидир. Болалик чоғида бобоси “сузугим” деб эркалагани боис, исми Сузук ота бўлиб тарих зарварақларига муҳрланган. Қувваи ҳофизаси тўлишиб, даражаси юксала бошлаган Сузук ота маҳаллий аҳоли ўртасида шуҳрат қозонади. Кўплаб шогирдларни тарбиялаб, эл орасида катта ҳурмат-эътибор топади.

Тарихдан маълумки, Амир Темурнинг Аҳмад Яссавийга ихлоси баланд бўлган. Манбаларда соҳибқироннинг бу табаррук зот тилию дилидан тўкилган кўплаб ҳикматларни ёддан билгани айтилади.

— Амир Темур Аҳмад Яссавийга чексиз эҳтиромини унинг авлодларига ҳам кўрсатишга интилган, — дейди маҳалла оқсоқоли Жаҳонгир ота Пайзихонов.

дари бузруквори рухсати билан илмини ошириш, айни пайтда, ўрганганларини кенг ёйиш мақсадида туғилган манзилидан чиқиб, Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги Чуқур кўприк, Мирлар ва Чақар маҳаллалари оралиғидаги ҳудудда қўним топади.

Сузук ота авлиёсифат, кароматсоҳиб зот бўлгани боис унинг номи тезда ма— Жумладан, Ҳазратнинг суюкли набираси Сузук ота қадамжосини обод этиб, унинг қабрига мақбара ва ёндош ҳудудда масжид, мадраса барпо эттирган. Бироқ халқнинг миллий қадриятлари, азиз қадамжоларига чанг солинган замонда — собиқ иттифоқ даврида масжид ҳамда мадраса ёпилиб, металл буюмлар корхонасига айлантирилади. Ҳужралар ўрнида корхона идораси ва омборхона қурилади. Мустақиллик йилларидагина корхона бошқа ерга кўчирилиб, вайрона ҳолатдаги бино маҳалла ихтиёрига берилди. 1996 йили масжид маҳалла аҳли томонидан таъмирланиб, Рамазон ойида қайта фаолият бошлади.

Соҳибқирон қурдирган масжиднинг гумбази диаметри 10 метр бўлиб, миллий меъморликнинг ноёб усул ва услублари асосида қад ростлаган. Шу боисдан ушбу бебаҳо иншоот бугунги кунгача сақланган. Ҳозирги қурилиш жараёнида масжиднинг эски биноси ичкарига олиниб, замонавий тус берилди. Бугун маҳобатли мовий гумбазга тикилсангиз, илоҳий руҳият ингандай ўзингизни бошқача ҳис этасиз.

## «Сузук ота» мажмуаси — яна бир сайёҳлик манзили

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳозирги кунда бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида бебаҳо ёдгорлик ўзининг тарихий қиёфасини сақлаган ҳолда муҳташам ошёнга айланди. Бугун бу масканда қурилиш-таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш юмушлари якунланиб, пардозлаш ва тозалашга эътибор қаратилмоқда.

Бу ерга келган ҳар қандай инсон — хоҳ у зиёратчи, хоҳ сайёҳ бўлсин, мажмуанинг бетакрор салобатидан, беқиёс тароватидан баҳридили роҳат олади, қувонади.

Сузук ота масжиди — бугун фараҳбахш маскан. Қуёш нурлари осмонўпар миноралларнинг кўм-кўк гумбазида жилоланади. Атрофда орасталик. Фавворалардан кўкка сочилаётган заррин томчилар баҳорнинг ипакдек майин елларида учиб, тонгги шудринглардек яшил майсалар юзига қўнади. Ноёб гулу кўчатлар баравж ўсмоқда.

Янгидан қурилган автотураргоҳ, музей, дўкон, кутубхона, зиёратчилар учун таҳоратхона ва бошқа масканлар замон талаблари асосида жиҳозланган. Бу ерга келганларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқариши учун айвонлар қад кўтарди. Айвонларнинг ёғоч устунлари, равоқлари нафис ўймакорлик нақшлари билан безалган.

Мажмуадаги ҳар бир иншоот майин, силлиқланган пишиқ ғиштлардан тикланган. Деворлар, эшик-ромлар, тоқилар, кунгураларга турфа ранг бўёқлардаги миллий нақшлар билан зеб берилган.

— Ҳар бир ганчни ишлашга ўзгача меҳр ва иштиёқ билан ёндашилди, — дейди уста Тоҳир Эгамбердиев. — Зеро, ҳар битик ҳамда нақшда инсонларга маънавий куч бергувчи, уларни тўғри йўлга бошлагувчи теран ифода ва мазмун бор.

Мақбара ичида Сузук ота, у зотнинг оёқ томонларида эса Туркистондан бирга келган икки нафар шогирди қабри бор. Бу халқимизда қадимдан устоз — шогирд анъанаси эъзозлаб келинаётганини ифодалайди.

— Турли савдо йўллари, маданият ва цивилизациялар чорраҳасида жойлашган юртимиз қадимдан инсонларни доимо ўзига чорлаб туради, — дейди Сузук ота жоме масжиди имом-хатиби Аюбхон Сўпиев. — Улар орасида ислом дини пешволари, алломалари, азиз-авлиёлари босган тупроқни, қўлларининг тафти қолган масжиду миноаларни, руҳлари кезиб юрган маъволарни зиёрат қиладиганлар жуда кўп. Масканимизда ибодат учун, шунингдек, туристлар учун ҳам кенг шароитлар яратилаётгани бу муаззам гўшанинг мамлакатимиздаги яна бир сайёҳлик манзилига айланишига имкон яратади.

**Асқар ота ОБИДОВ,**
**Сузук ота маҳалласи фаоли:**

— “Сузук ота” мажмуасига ҳар гал келганимизда руҳимиз енгил тортади. Бу ердаги ободончилик ишларини кўриб, ҳаммамиз қувончдамиз. Зиёратгоҳнинг бундан 30 — 35 йил аввалги ҳолати билан ҳозирги қиёфасини хаёлан таққослаб, шукроналар айтамиз. Илоҳим, бу эзгу ишларга бош-қош бўлганларнинг боши омон бўлсин, ғам кўрмасин!

## Ҳунармандлик — файзу барака рамзи

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 9 февраль куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш асносида “Сузук ота” мажмуасида ҳам бўлди. Бунёдкорлик жараёни билан танишар экан, бу ердаги масжид ва мақбара маънавиятимизни янада юксалтиришга, юртимизда эзгулик нурини зиёда этишга хизмат қилиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, мажмуада ҳунармандлар маркази ҳамда кутубхона ташкил этиш бўйича топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Бу бежиз эмас. Чунки Сузук ота катта дин пешвоси бўлибгина қолмай, моҳир уста-ҳунарманд ҳам эди. Ёшларга ислом илми билан бирга, деҳқончилик, ҳунармандлик ва бошқа касб-кор сирларини ўргатади. Устоз 1217 йилда вафот этган бўлса-да, у таълим-тарбия берган юзлаб ҳунармандлар боис ушбу ҳудуд “Усталар маҳалласи” деб атала бошланади. Мажмуада ҳунармандлар марказининг ташкил этилишида ана шу номга рамзий ишора бор.

Истиқлол йилларида Сузук ота маҳалласи деб атала бошланган ҳудудда бугунги кунда ҳам улуғ аждодларнинг эзгу анъаналари бардавом. Бу ердаги кўплаб хонадонларда ҳозир ҳам уста-ҳунармандлар яшайди. Улар дурадгорлик, мискарлик, мусиқа асбоблари ясаш, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, бешикчилик, қурувчилик, косиблик ва ота-боболаридан мерос бошқа ҳунарлар билан шуғулланиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси туфайли мажмуанинг икки томонида ҳунармандлар учун ўттизта икки қаватли намунали уй-жой қурилиб битказилди. Ҳар бири 4,5 сотихдан бўлган ушбу уйлар хонадон, устахона ва дўкон сифатида фойдаланишга мўлжалланган. Эндиликда бу масканга келганлар зиёрат қилиш билан бирга, усталар билан асрлар силсиласидан ўтган қўл меҳнати сирлари ҳақида суҳбатлашиши, қадри баланд ҳунармандлик маҳсулотларини сотиб олишлари мумкин.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## ФИКР, МУНОСАБАТ, ЭЪТИРОФ

*...Маънавият ва маърифатни ҳаётининг бош аъмоли деб билган халқимиз бугунги кунда Юртбошимиз раҳнамолигида ўз тарихининг янги саҳифаларини яратмоқда. Ёшу кекса — ҳар бир инсон юртимизда яшаб ўтган улуғларнинг меросини тиклаш, муборак қадамжоларини обод этиш, уларга муносиб бўлиш ишқи, меҳри билан яшамоқда. Олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига баҳоли қудрат ўз улушини қўшишга интилаётир. Бундай эзгу ишлар халқимиз ҳамда дунё аҳли томонидан ҳам юксак эътироф этиляпти.*

**Усмонхон АЛИМОВ,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий:**

— Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда кўплаб масжидлар қатори Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф мажмуаси ҳам бунёд этилаётгани юртдошларимиз билан бирга, дунёдаги бутун мўмин-мусулмонларни беҳад хурсанд қилди. Зеро, Шайх ҳазратларининг дунё мусулмонлари ўртасидаги обрў-эътибори жуда баланд эди. У киши Бутундунё мутафаккир уламолари йиғининг Ижроия қўмитаси аъзоси, Бутунжаҳон мусулмон уламолари халқаро уюшмаси, Бутундунё Ислом уюшмаси каби нуфузли ташкилотлар ҳамда Иордания қироллик академиясининг аъзоси эди. Шайх ҳазратлари Миср Араб Республикасининг “Нил лаври” олтин нишонига сазовор бўлганди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, замонавий Ўзбекистон тарихида исломий илмлар бўйича ҳеч ким бу даражада юксак мавқега кўтарилмаган. Бу улуғ аллома турли диний-маърифий мавзуларда 100 дан зиёд китоблар ёзган. Шайх ҳазратларининг ҳикматга тўла сўзлари, суҳбатлари, радио ва телевидение, матбуот саҳифаларидаги чиқишлари, кўплаб китоблари, жумладан, аудио китоблари орқали юртимиздаги ҳар бир хонадонга кириб борган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзининг илми, сўзи ва ибратли амаллари билан Ватанимизга, динимиз равнақига чин дилдан ҳалол хизмат қилиш бўйича катта бир мактаб яратиб кетди, десак, ҳақ гапни айтган бўламиз. У кишининг илм ва ҳаёт йўли, бой меросини ўрганиш ва халқимизга етказиш барчамизнинг бурчимиздир.

**Рушан АББАСОВ,**
**Россия муфтийлар кенгаши ва диний идораси раиси ўринбосари:**

— Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, илм-фанни ривожлантириш, эътиқод эркинлигини таъминлаш, жумладан, мўмин-мусулмонлар учун кенг шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар бугун дин масаласидаги нотўғри қарашларга, жаҳолатга барҳам беришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу давлатингиз раҳбарининг жаҳоннинг юксак минбарларидан туриб, хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган 72-сессиясида илгари сурган “Жаҳолатга қарши маърифат” ғоясининг ҳаётдаги ифодасидир, десам, адашмайман.

**Мухлис Муҳаммад ҲАНАФИЙ,**
**Индонезиянинг Дор ал-Куръон музейи директори:**

— Юртингизда ислом илмининг асл манбаларини тадқиқ этиш, Имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Сузук ота, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф каби буюк авлиёлар, алломалар қадамжоларини обод этиш, бебаҳо меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган беқиёс ишлар бутун ислом аҳлига катта қувонч, ғурурифтихор бахш этмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, зиёрат туризмини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида дунё ҳамжамиятининг маърифий исломнинг эзгулик, бунёдкорлик моҳиятини чуқурроқ англашига имконият яратиляпти.

**Абдулҳадий ал-ҚАСАБИЙ,**
**Миср Араб Республикаси Парламенти аъзоси, Миср сўфий тариқатлари кенгаши раиси:**

— Ўзбекистон — ислом дини ва маданияти тараққиётига пойдевор қўйган алломалар юрти. Бу замин дунё илм-фани бешикларидан бири бўлгани, ислом дини тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган олимларни камолга етказгани билан ҳам қадрли ва муқаддасдир. Бу муҳтарам зотларнинг қадамжоларини зиёрат қилиш ҳар бир мусулмон учун катта шараф. Шу маънода, Тошкент шаҳридаги “Сузук ота” мажмуасини зиёрат қилиб, бениҳоя мамнун бўлдик. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида қисқа вақт ичида бу масканнинг обод этилгани Ўзбекистонда аждодлар меросига бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

«Ўзбектелеком» АК «Telekommunikatsiya transport tarmog‘i» филиали

балансидаги ҳозирги пайтда фойдаланилмаётган, бўш турган қуйидаги нотураржой бинолари ва иншоотлари ижарага берилишини маълум қилади:

| Т/р | Объект манзили | Умумий ер майдони (кв.м.) | Қурилиш ости майдони (кв.м.) |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Эски Тошкент» ҚФЙ, Самарқанд кўчаси | 7616,0 | 585,22 |
| 2. | Бухоро вилояти, Жондор тумани, «Лоло» ҚФЙ | 6979,0 | 433,65 |
| 3. | Бухоро вилояти, Ромитан тумани, «Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу» автотрассасининг 250 км.да | 5168,0 | 507,60 |
| 4. | Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани, «Жаслиқ» ПФЙ | 4899,0 | 157,4 |
| 5. | Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани, Кабанбай Устюрт аймоғи | 4782,0 | 349,88 |
| 6. | Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани, Актобе Устюрт аймоғи | 4650,0 | 170,33 |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани, Судочье Устюрт аймоғи | 2310,0 | 305,74 |
| 8. | Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани, Қўнғирот — Хўжайли автомобиль йўли бўйида | 4595,0 | 315,03 |
| 9. | Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани, Аяпберген Устюрт аймоғи | 3516,0 | 184,57 |
| 10. | Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани, «Бегжан» ОФЙ, Гулистон аҳоли пункти | 12369,0 | 302,04 |
| 11. | Хоразм вилояти, Урганч тумани, Бекобод қишлоғи, Қўнғирот маҳалласи | 4644,0 | 445,02 |
| 12. | Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, Саримой қишлоғи, Базиргон посёлкаси | 6000,0 | 243,53 |
| 13. | Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, «Ғовшун» ҚФЙ, Ғовшун қишлоғи | 2000,0 | 417,80 |
| 14. | Сирдарё вилояти, Гулистон тумани, «Зарбдор» ҚФЙ, Мевазор маҳалласи | 6585,9 | 3356,60 |
| 15. | Фарғона вилояти, Бешариқ шаҳри, «Дала Ҳамид Олимжон» МФЙ, Сирдарё кўчаси | 3603,71 | 535,38 |

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олой кўчаси, 23-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 71-237-08-04, 71-236-22-52.

224J/80

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 68 988 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Навбатчи — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 02.30 1 2 3 4 5 6